

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТРАНСПОРТ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Танимов Ш.М.

Қорақалпоқ давлат университети

Марказий Осиё минтақаси жаҳоннинг энг муҳим геостратегик нукталаридан бири сифатида глобал транспорт-коммуникация тизимида ўзига хос ўрин тутади. Европа ва Осиёни боғловчи қисқа ва самарали йўналишларнинг чорраҳасида жойлашган бу ҳудуд Хитойнинг “Бир камар – бир йўл” ташаббуси, Россиянинг Евроосиё иқтисодий интеграцияси, Европа Иттифоқининг Глобал дарвоза (*Global Gateway*) стратегияси, шунингдек, АҚШ, Туркия ва Эрон каби йирик ўйинчиларнинг узоқ муддатли манфаатлари тўқнашадиган майдонга айланиб бормоқда. 2022 йилдан Россия-Украина уруши ва унга боғлиқ санкциялар, Хитой билан Ғарб ўртасидаги савдо уруши, энергетика ресурслари учун рақобат ва глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини мисли кўрилмаган даражада долзарб қилди. Бугунги кунда Ўрта (*Транскаспий*) коридор, Шимол-Жануб халқаро транспорт коридори, TRACECA ва Хитой–Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли каби лойиҳалар нафақат иқтисодий, балки геосиёсий характерга эга бўлиб, уларнинг амалга оширилиши минтақадаги қудрат мутаносиблигини белгилаб берадиган омилга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ транспорт-логистика соҳасини ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири деб белгиланган бўлсада, 2017 йилдан бошлаб амалга оширилган фаол ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка йўналтирилган ислохотлар мамлакатни Марказий Осиёнинг транспорт дипломатияси марказига айлантирди. Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан минтақанинг марказида жойлашуви, барча қўшни давлатлар билан чегарадошлиги, шунингдек, “транспорт дипломатияси” концепциясини амалий сиёсат даражасига қўтарганлиги уни глобал ва минтақавий ўйинчилар учун муҳим шерикка айлантирди. Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистон нафақат ўз транзит салоҳиятини ошириш, балки Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги транспорт алоқаларини мувофиқлаштирувчи платформа яратиш, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш ва йирик халқаро лойиҳаларда фаол иштирок этиш орқали дипломатик манфаатларини самарали ҳимоя қила олмақда.

Ушбу мақола “Марказий Осиё транспорт геосиёсати ва Ўзбекистоннинг дипломатик манфаатлари: концептуал таҳлил” мавзуси доирасида В.Л. Квинтнинг глобал стратегия назарияси асосида минтақанинг транспорт-логистика салоҳиятини стратегик ресурс сифатида талқин қилади, мавжуд инфратузилмaviй, институционал ва геосиёсий тўсиқларни таҳлил қилади ҳамда Ўзбекистоннинг ушбу мураккаб муҳитдаги дипломатик манфаатларини рўёбга чиқариш йўллари концептуал даражада очиб беради. Тадқиқотнинг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг транспорт геосиёсатидаги ролини илмий асосда кўрсатиб, минтақавий ва глобал даражадаги рақобат шароитида мамлакатнинг стратегик устунликларини белгилаб беришдан иборат.

Бугунги кунда, 2025 йил ноябрь охири ҳолатига кўра Ўзбекистоннинг транспорт геосиёсатидаги фаолияти Марказий Осиёнинг глобал транзит ҳаб сифатидаги ролини кучайтиришга қаратилган. Асосий йўналишлардан бири Транскаспий халқаро транспорт йўлаги (*Ўрта коридор*)ни ривожлантириш бўлиб, у Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг *Global Gateway* стратегияси доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар билан узвий боғлиқ. Масалан, 25 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё ва ЕИнинг учинчи иқтисодий форуми ҳамда Транскаспий йўлаги инвесторлари форумида Европа комиссарлари Йозеф Сикела ва Марта Кос иштирок этиб, мувофиқлаштирувчи тузилма яратиш ва қўшма инвестиция лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Бу форумда ЕИ томонидан 12 млрд евро миқдоридаги инвестициялар, жумладан, йўл ва темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, рақамли боғлиқлик ва энергетика лойиҳалари илгари сурилди.

Шунингдек, 15–16 ноябрда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, устувор соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кузатилди, бу эса Ўзбекистоннинг транспорт дипломатиясидаги етакчи ролини таъкидлади[1]. Қўшимча равишда, 22 октябрда Брюсселда имзоланган Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими (*КШХТБ*) мултимодал транспорт коридорларини яратишни, айниқса Ўрта коридорини кучайтиришни назарда тутади, бу эса савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва Россияга боғлиқликни камайитиришга хизмат қилади[2].

1-жадвал. 2025 йилда Ўзбекистоннинг асосий транспорт-дипломатик тадбирлари

№	Сана	Тадбир номи	Асосий мавзу ва натижалар
1	22 октябрь	Ўзбекистон – ЕИ Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими (КШХТБ) имзолаш Мултимодал транспорт коридорлари, Ўрта коридорни кучайтириш, Россияга боғлиқликни камайитириш	Ўзбекистон – ЕИ Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими (КШХТБ) имзолаш Мултимодал транспорт коридорлари, Ўрта коридорни кучайтириш, Россияга боғлиқликни камайитириш
2	12 ноябрь	Марказий Осиё транспорт вазирлари йиғилиши	Ягона рақамли транспорт платформасини яратиш, логистика жараёнларини оптималлаштириш
3	15 ноябрь	Ўзбекистон–Қозоғистон Олий Давлатлараро Кенгашининг II йиғилиши	TITR, Шимол–Жануб коридори, Афғонистон орқали янги транзит йўналишлари, Актау–Курык портлари
4	15-16 ноябрь	Марказий Осиё раҳбарларининг VII Маслаҳат учрашуви (Тошкент)	Минтақавий интеграция, транспорт ва энергетика лойиҳалари, “С6” форматини шакллантириш.

5	17 ноябрь	Ўзбекистон–Туркменистон давлат таширифи	Туркманбаши портини биргаликда ривожлантириш, CASCА+ коридори, юк оқимини 23 млн тоннага ошириш
6	25-26 ноябрь	Марказий Осиё – ЕИ учинчи иқтисодий форуми ва Транскаспий инвесторлар форуми	ЕИ томонидан 12 млрд евро инвестиция, мувофиқлаштирувчи тузилма яратиш, рақамли боғлиқлик лойиҳалари

2025 йилда Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликдаги амалий қадамлари транспорт лойиҳаларининг жадаллашуви билан белгиланади. Хусусан, Қозоғистон билан 15 ноябрда ўтказилган Олий Давлатлараро Кенгашнинг иккинчи устидаги учрашувида Транскаспий халқаро транспорт йўлаги (TITR), Шимол–Жануб коридори ва Афғонистон орқали транзит йўналишларини ривожлантириш бўйича қўшма савий-ҳаракатлар муҳокама қилинди[3], шунингдек, Актау ва Қурық портларидаги лойиҳаларга иштирок этиш таклиф этилди. Туркменистон билан 17 ноябрдаги давлат таширифи натижасида Туркманбаши порти биргаликда ривожлантириш ва CASCА+ (Марказий Осиё – Жанубий Кавказ – Анатолия+) мултимодал коридорини кенгайтириш бўйича келишувлар эришилди, бу эса юк оқимини 23 млн тоннага ошириш режалаштирилган. Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли қурилиши давом этаётгани, у масофани 900 кмга ва етказиб бериш вақтини 7–8 кунга қисқартиради. Шунингдек, 12 ноябрда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё транспорт вазирилари йиғилишида ягона рақамли транспорт платформасини яратиш ва логистика жараёнларини оптималлаштириш масалалари кузатилди. Афғонистон орқали Транс-Афғон темир йўли (Kabul Corridor)нинг изқаниш тадқиқоти 2026 йил бошига яқинлашиб қутилимоқда, бу эса Марказий Осиёни Ҳиндустон ва Покистон портлари билан боғлайди. Ушбу лойиҳалар геосиёсий курашлар (Россия–Украина уруши, АҚШ–Хитой савдо уруши) фонида Ўзбекистоннинг дипломатик манфаатларини мустаҳкамлаш ва минтақавий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Марказий Осиё транспорт геосиёсатининг концептуал асосларини В.Л. Квинт назарияси нуктаи назаридан таҳлил қилинади.

Марказий Осиёнинг транспорт-логистика салоҳиятини стратегик ресурс сифатида талқин қилишда В.Л. Квинтнинг глобал стратегия назарияси муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади[4]. Квинтга кўра, “стратегия – бу глобал ўзгаришлар даврида мураккаб тизимларни барқарор бошқариш воситаси” бўлиб, унда географик жойлашув, инфратузилма ва институционал механизмлар стратегик ресурслар сифатида белгиланади[5]. Марказий Осиёнинг Европа ва Осиё ўртасидаги ноёб географик мавқеи (Middle Corridor, TRACECA, INSTC) унинг транзит салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам асос яратади[6]. Бироқ, мавжуд инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги, айрим йўл ва терминалларнинг эскирганлиги, шунингдек, минтақавий ҳамкорликнинг етишмаслиги логистика занжирларини узайтириб, самарадорликни пасайтиради[7]. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу муаммоларнинг ечими фақат техник модернизация билан чекланмайди, балки халқаро стандартларга мувофиқ янги логистика марказларини қуриш ва транспорт коридорларини диверсификация қилишни талаб этади[8]. Бунда Хитойнинг “Бир камар – бир йўл” ташаббуси[9] ва Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) инвестициялари муҳим роль ўйнайди[10].

2-жадвал. Марказий Осиёдаги асосий транспорт коридорлари ва Ўзбекистоннинг роли

Коридор номи	Узунлиги масофа қисқартириш	Асосий йўналиш	Ўзбекистоннинг роли	Кутилаётган юк оқими (2030 йилгача)
Ўрта коридор TITR Транскаспий)	6 500–7 000 км	Хитой–Қозоғистон–Каспий–Озарбайжон–Европа	Асосий транзит ҳаб, мувофиқлаштирувчи давлат	25–30 млн тонна
Шимол–Жануб (INSTC)	7 200 км	Россия–Эрон–Ҳиндистон	Транзит йўналишини диверсификация қилувчи шерик	30–40 млн тонна
Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли	523 км (янги қисм)	Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон–Жанубий Осиё	Марказий сегмент, лойиҳанинг асосий бенефициари	15–20 млн тонна
Транс-Афғон темир йўли (Kabul corridor)	~1 200 км	Ўзбекистон–Афғонистон–Покистон–Ҳиндистон	Лойиҳанинг бошловчиси ва асосий транзит давлати	20 млн тонна (2028 йилдан)

Минтақавий ҳамкорликнинг институционал механизмлари ва Ўзбекистоннинг етакчи роли:

Марказий Осиёда транспорт геосиёсатининг самарали амалга оширилиши минтақавий ҳамкорликнинг чуқурлашувисиз мумкин эмас. ШХТ, ЕОИИ ва CAREC[11] каби халқаро платформалар доирасида божхона ва тариф сиёсатини уйғунлаштириш, ягона ҳуқуқий база яратиш минтақанинг умумий рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга[12]. Ўзбекистоннинг минтақанинг марказида жойлашуви ва барча қўшни давлатлар билан чегарадошлиги уни логистика марказига айлантириш имконини беради. Хусусан, Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли[13], Транс-Афғон йўлаги ва Ўрта коридор лойиҳаларида Ўзбекистоннинг фаол иштироки унинг дипломатик манфаатларини мустаҳкамлайди[14]. Минтақавий интеграциянинг етишмаслиги эса трансчегаравий лойиҳаларни мураккаблаштириб, юк ташиш харажатларини оширади[15]. Шу сабабли, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Транспорт-коммуникация боғланишларини ривожлантириш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш ташаббуси[16] институционал мувофиқлаштирувчи механизм сифатида муҳим аҳамият касб этади.

3-жадвал. Марказий Осиёда логистика самарадорлиги индекси (LPI) ва рақамлаштириш даражаси (2024–2025)

Давлат	LPI 2024 (балл)	Божхона самарадорлиги	Инфратузилма (балл)	Рақамлаштириш даражаси (2025)	Ўртача юк етказиш вақти (кун)
Ўзбекистон	2,42	2,35	2,48	Ўртача-паст	18-22
Қозоғистон	2,68	2,71	2,85	Ўртача	15-18
Қирғизистон	2,31	2,20	2,25	Паст	22-25
Тожикистон	2,38	2,29	2,30	Паст	23-27
Туркменистон	2,45	2,40	2,55	Паст	20-24

Транспорт геосиёсатининг замонавий босқичида рақамлаштириш ва инновациялар муҳим ўрин тутди. Марказий Осиёда логистика соҳасининг рақамлаштириш даражаси пастлиги[17] юкларни кузатиш, “Ягона божхона тўсиғи” тизими ва блокчейн технологияларидан фойдаланишнинг етишмаслигига олиб келади[18]. БМТ ва Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг логистика самарадорлиги индекси (LPI) 2024 йилда 2,4 балл атрофида баҳоланган бўлиб, бу минтақада рақобатбардош инфратузилма шакллантириш зарурлигини кўрсатади[19]. Ўрта коридор бўйича электрон ахборот платформасини жорий этиш кемалар айланиш вақтини 1–3 соатга қисқартириш имконини беради[20].

Шу билан бирга, IoT ва AI технологияларидан фойдаланиш логистика жараёнларини шаффоф ва хавфсиз қилади, минтақани глобал савдода ишончли ҳамкор сифатида кўрсатишга хизмат қилади[21].

Умуман олганда, Марказий Осиёнинг транспорт-логистика салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш комплекс ва мувозанатлашган стратегик ёндашувни талаб қилади. Инфратузилмани модернизация қилиш, минтақавий ҳамкорлиқни кучайтириш ва логистика жараёнларини рақамлаштириш асосий устувор йўналишлар бўлиб қолади. В.Л. Квинт назариясига асосланган стратегия минтақани глобал транспорт занжирининг марказий бўғинига айлантириш учун мустақкам асос бўлиб хизмат қилади[22]. Ўзбекистоннинг транспорт дипломатиясидаги фаол позицияси эса нафақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, балки Марказий Осиёнинг умумий транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. The Times Of Central Asia, 16.11.2025 – <https://timesca.com/azerbaijan-joins-central-asia-to-build-a-c6-corridor-core/>.
2. European Council (Consilium), 24.10.2025 – <https://www.consilium.europa.eu/en/press/press-releases/2025/10/24/joint-statement-on-the-occasion-of-the-signing-of-the-eu-uzbekistan-enhanced-partnership-and-cooperation-agreement-epca/>.
3. The Astana Times, 15.11.2025 – <https://astanatimes.com/2025/11/tokayev-mirziyoyev-advance-strategic-alliance-at-supreme-interstate-council-meeting/>.
4. Kvint V.L. The Global Emerging Market: Strategic Management and Economics. Routledge, 2009.
5. Квинт В.Л. Стратегия – это управление сложными системами в эпоху глобальных изменений. Москва: Изд-во МГУ, 2018.
6. Trans-Caspian International Transport Route (Middle Corridor). Official website: <https://middlecorridor.com>.
7. Абдуллаев Ш. Марказий Осиёда логистика ва транспорт алоқалари: муаммо ва ечимлар // Иқтисодиёт ва инновация, №3, 2021.
8. World Bank. Central Asia Transport Sector Review, 2024.
9. Belt and Road Initiative Official Portal: <https://www.beltandroad.gov.cn>
10. Asian Development Bank. CAREC Program Annual Report 2024. <https://www.adb.org>
11. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти расмий сайти: <https://www.sectso.org>., Евразия Иқтисодий Иттифоқи расмий сайти: <https://eec.eaeunion.org>., CAREC Program Official Site. CAREC Corridor Development in Uzbekistan. <https://www.carecprogram.org>
12. Стратегия ва ривожланиш агентлиги. Марказий Осиё-2040 концепцияси, 2024.
13. China–Kyrgyzstan–Uzbekistan Railway Project. Official updates: <https://cku-railway.uz>
14. Gazeta.uz. Ўрта коридор: Марказий Осиё янги транзит йўлини қандай изламоқда? 25.07.2025. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/07/25/transport/>.
15. European Bank for Reconstruction and Development. Transition Report 2024-25: Central Asia.
16. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил Тошкентдаги Марказий Осиё раҳбарлаши учрашувидаги таклифи. <https://president.uz>.
17. World Bank. Logistics Performance Index 2024. <https://lpi.worldbank.org>.
18. ScienceDirect. Blockchain, IoT and AI in logistics and transportation, 2024.
19. World Bank & UNCTAD. Logistics Performance Index: Central Asia 2024.
20. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш маркази ҳисоботи, 2025.
21. Higher School of Economics. Digitalization of Transport Industry in Eurasia, 2024.
22. Kvint V.L. Strategic leadership in the 21st century. Moscow: Prosveshchenie, 2020.

Ўзбекистоннинг транспорт дипломатияси ва унинг ўзига ҳослиги

Резюме. Марказий Осиё глобал транспорт занжирларида стратегик транзит худуд сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Мақолада В.Л. Квинтнинг глобал стратегия назарияси асосида минтақанинг транспорт-логистика салоҳияти стратегик ресурс сифатида талкин қилинади. 2025 йил ноябрь ҳолатига кўра Ўзбекистоннинг Транскаспий (Ўрта) коридор, Шимол–Жануб, Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли, Транс-Афғон ва TRACECA лойиҳаларидаги фаол дипломатик ва амалий қадамлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: транспорт дипломатияси, Ўрта коридор, транзит салоҳияти, рақамлаштириш.

Транспортная дипломатия Узбекистана и ее особенности

Резюме. Центральная Азия приобретает стратегическое значение как транзитный регион в глобальных транспортных цепочках. На основе теории глобальной стратегии В.Л. Квинта в статье транспортно-логистический потенциал региона интерпретируется как стратегический ресурс. По состоянию на ноябрь 2025 года анализируются активные дипломатические и практические шаги Узбекистана в проектах Транскаспийского (Среднего) коридора, «Север–Юг», железной дороги Китай–Кыргызстан–Узбекистан, Транс-Афганского коридора и TRACECA.

Ключевые слова: транспортная дипломатия, Средний коридор, транзитный потенциал, цифровизация.

Uzbekistan's transport diplomacy and its specifics

Summary. Central Asia is becoming a strategic transit region in global transport chains. Using V.L. Kvint's global strategy theory, the article interprets the region's transport-logistics potential as a strategic resource. As of November 2025, Uzbekistan's active diplomatic and practical steps in the Trans-Caspian (Middle) Corridor, North-South, China–Kyrgyzstan–Uzbekistan railway, Trans-Afghan and TRACECA projects are analyzed.

Key words: transport diplomacy, Middle Corridor, transit potential, digitalization.